# IX. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

**Юк ташиш.** Автомобиль транспортида 5,7 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2019 йил январь-март ойларига нисбатан 1,8 % га кўпдир. Юк айланмаси 79,9 млн.тн-км.га етди ва бу ўтган йилнинг мос дарига нисбатан 1,4 % кам демакдир.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2019 йил январь-март ойларига нисбатан 107,3 % га кўпайди ва 43,1 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 39,5 % ни ташкил этди (2019 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 38,5 %).

Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг юк ташиш бўйича улуши 69,8 %ни ташкил этган.

**Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича ифодаланиши**

| | ***2020 йил январь-март*** | ***2019 йил январь-март ойларига нисбатан, % да*** |
|---|---|---|
| Ташилган юк, млн. тн. | 5,7 | 102,8 |
| *шу жумладан:* | | |
| Автомобил транспортида | 5,7 | 102,8 |
| Юк айланмаси, *млн. тн-км.* | 79,9 | 98,5 |
| *шу жумладан:* | | |
| Автомобил транспортида | 79,9 | 98,5 |

**Йўловчи ташиш.** 2020 йил январь-март ойларида барча транспорт турлари томонидан 102,7 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 102,0 % га кўпайган.

**Йирик корхоналар бўйича:**

Вилоятда кузатилаётган даврда автотранспорт иши бўйича ҳажмли корхоналар сони 39 тани ташкил этиб, улар томонидан қуйидаги асосий кўрсаткичлар шаклланди:

***Ташилган юклар*** ҳажми 0,3 млн.тонна, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 108,1 % ни ташкил этди (жами вилоятда ташилган юклар ҳажмидаги улуши 4,9 %);

***Юк айланмаси*** ҳажми 5,2 млн. тн-км, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 53,8 %ни ташкил этди (жами вилоят юк айланмаси ҳажмидаги улуши 6,5 %);




***Ташилган йўловчилар*** ҳажми 2,6 млн. йўловчи, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 104,4 % ни ташкил этди (жами вилоятда ташилган йўловчилар ҳажмидаги улуши 2,5 %);

***Йўловчи айланмаси*** ҳажми 96,2 млн. йўловчи-км, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 227,5 % ни ташкил этди (жами вилоят йўловчи айланмаси ҳажмидаги улуши 4,8 %).



Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 104,1 %га кўпайиб, 6 779,8 млн. йўловчи-км ни ташкил қилди.





**2 000.6**
**млн. йўловчи-км**

**104.2 %**

Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг йўловчи ташиш бўйича улуши 97,5 %ни ташкил этган.



**97.5%** **Кичик бизнеснинг йўловчи ташишда улуши**

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2019 йил январь-март ойларига нисбатан 101,2 % га кўпайди ва 1 803,4 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 90,1 % ни ташкил этди (2019 йил январь-март ойларида 92,7 %)